

Haziran 2018 – June 2018  
CİLT / VOLUME 1 SAYI / ISSUE 1 HAZİRAN / JUNE 2018

Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi, 2018, 1 (1)

# BAYTEREK Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi

BAYTEREK International Journal of Academic Research



© 2018 BUAAD-BIJAR. Tüm hakları saklıdır.

**DergiPark**  
AKADEMİK

bayterekdersisi@gmail.com

<http://dergipark.gov.tr/buaad>

CİLT 1 SAYI 1 YIL 2018 / VOLUME 1 ISSUE 1 YEAR 2018

# BAYTEREK

Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi

International Journal of Academic Research

Cilt: 1 Sayı: 1 Yıl: 2018 / Volume: 1 Issue: 1 Year: 2018

Editör / Editor: **Dr. Onur Alp KAYABAŞI**

Editör Yardımcıları / Assistant Editors: **Mehmet ÖZKAYA, Uğur ÜLGEN**

Sorumlu Yazı İşleri Müdürü / Publisher Editor: **Dr. Onur Alp KAYABAŞI**

Redaksiyon / Redaction: **Dr. Onur Alp KAYABAŞI**

Dizgi / Typographic: **Mehmet ÖZKAYA**

Sayfa Tasarımı / Page Design: **Mehmet ÖZKAYA**

Kapak Tasarımı / Cover Design: **Mehmet ÖZKAYA**

İletişim / Contact Person: **Uğur ÜLGEN**

Dizinlenmektedir / Indexed in: **Google Akademik**

Bayterek Dergisi 2018 yılından itibaren yılda iki defa düzenli olarak yayınlanmaktadır.

Journal of Bayterek is published regularly twice a year since 2018.

## Yayın Kurulu / Publication Board\*

Dr. Gökhan ARI: Düzce Üniversitesi

Dr. Haluk DUMAN: Aksaray Üniversitesi

Dr. İbrahim DİLEK: Gazi Üniversitesi

Dr. Mehmet AKINCI: Aksaray Üniversitesi

Dr. Meryem SAMIRKAŞ KOMŞU: Mersin Üniversitesi

Dr. Mustafa GÖKÇE: Muğla Sıtkı Koçman Üniversitesi

Dr. Yunus GÜNİNDİ: Aksaray Üniversitesi

\* Liste isme göre alfabetik olarak oluşturulmuştur. / List is created in alphabetical order

## Hakem Kurulu / Reviewers\*

Dr. Abdullah KÖK

Dr. Abdulluttalip İPEK

Dr. Abdulvahit SOFİZADEH

Dr. Adem SEZER

Dr. Ahmet MERMER

Dr. Alaattin AKÖZ

Dr. Ali YAKICI

Dr. Alpaslan DEMİR

Dr. Atila KARTAL

Dr. Ayhan BIÇAK

Dr. Aynur KOÇAK

Dr. Aysun YEMEN

Dr. Ayşe YÜCEL ÇETİN

Dr. Ayten KİRİŞ AVAROĞULLARI

Dr. Bekir DİREKÇİ

Dr. Betül KERAY DİNÇEL

Dr. Bünyamin TAŞ

Dr. Cihat YILDIRIM

Dr. Dilek CERAN

Dr. Dursun YILDIRIM

Dr. Ekrem ARIKOĞLU

Dr. Eman HAYAJNEH

Dr. Ercan OKTAY

Dr. Eren YÜRÜDÜR

Dr. Erkan SALAN

Dr. Esma ŞİMŞEK

Dr. Eyup AKIN

Dr. Eyüb AKMAN

Dr. Eyüp ŞİMŞEK

Dr. Eyyup YARAS

Dr. Farhod MAKSDOV

Dr. Fatma AÇIK

Dr. Fatma ÖZKAN

Dr. Figen GÜNER DİLEK

Dr. Gökhan ARI

Dr. Gökhan DUMAN

Dr. Gökhan ÖZSOY

Dr. Gülay MİRZAOĞLU SIVACI

Dr. Gürsoy AKÇA

Dr. Hakan AKDAĞ

Dr. Hakan KOÇ

Dr. Hakan SELDÜZ

Dr. Haktan DEMİRCİOĞLU

Dr. Haluk DUMAN

Dr. Hamza KELEŞ

Dr. Haneen ABUDAYEH

Dr. Hasan IŞIK

Dr. Hatice GEDİK

Dr. Hayati BEŞİRLİ

Dr. Ivan FUKALOV

Dr. İbrahim DİLEK

Dr. İbrahim ERDAL

Dr. İhsan KALENDEROĞLU

Dr. İsa ÖZKAN

Dr. İsmet ÇETİN

Dr. Karjavbay Sartkojauli

Dr. Kenan ARIBAŞ

Dr. Kürşat KURTULGAN

Dr. M. Engin DENİZ

Dr. M. Faruk ÖZÇINAR

Dr. Mahmut YARDIMCIOĞLU

Dr. Mehmet AÇA

Dr. Mehmet AK

Dr. Mehmet AKINCI

Dr. Mehmet ÇERİBAŞ

Dr. Mehmet ÇEVİK

Dr. Mehmet Emre ÇELİK

Dr. Melek ÇOLAK

Dr. Meryem SAMIRKAŞ KOMŞU

Dr. Mohammad Nabi SALİM

Dr. Muammer NURLU

Dr. Muhammed BEZİRCİ

Dr. Muhammed SALMAN

Dr. Muhammed AVAROĞULLARI

Dr. Muhammed BAŞTUĞ

Dr. Mustafa BAŞI

Dr. Mustafa GÖKÇE

Dr. Mustafa KIŞOĞLU

Dr. Mustafa TAHİROĞLU

Dr. Mustafa YILDIZ

Dr. Muvaffak EFLATUN

Dr. N. Tayyibe EKEN

Dr. Necmettin AYGÜN

Dr. Nedim BAKIRCI

Dr. Oğuzhan Serdar

KESİCİOĞLU

Dr. Oman DOĞANAY

Dr. Onur Emre KOCAÖZ

Dr. Osman UYANIK

Dr. Ömer ÖZKAN

Dr. Özgür ÖNDER

Dr. Özgür YILDIZ

Dr. Özlem YURT

Dr. Pap NORBERT

Dr. Petr KUÇERA

Dr. Refik TURAN

Dr. Remzi KILIÇ

Dr. Remzi KUZUOĞLU

Dr. Ruhi İNAN

Dr. Saadetin Yağmur GÖMEÇ

Dr. Savaş KARAGÖZ

Dr. Selahattin AVŞAROĞLU

Dr. Serkan Selim ÜKTEN

Dr. Seyfullah YILDIRIM

Dr. Tahsin YILDIRIM

Dr. Turan AÇIK

Dr. Ünsal Yılmaz YEŞİLDAL

Dr. Veli Savaş YELOK

Dr. Yalçın DİLEKLİ

Dr. Yılmaz YEŞİL

Dr. Yunus CERAN

Dr. Yunus GÜNİNDİ

Dr. Zahra ABOLHASSANİ

Dr. Zekeriya KARADAVUT

Dr. Zelfira ŞÜKÜRÇİYEVA

Dr. Zeliha SEÇKİN

Dr. Zübeyir OVACIK

\* Liste isme göre alfabetik olarak oluşturulmuştur. / List is created in alphabetical order

## İletişim Bilgileri / Contact Information

İnternet Adresi / web: <http://dergipark.gov.tr/buaad> ve <http://www.bayterek.org>

E-Posta / E-Mail: [bayterekdergisi@gmail.com](mailto:bayterekdergisi@gmail.com)

Telefon / Phone: +90 (382) 288 3437

Belgegeçer / Fax:

Adres/Address: Aksaray Üniversitesi, Eğitim Fakültesi, Adana Yolu Üzeri E-90 Karayolu 7. Km  
68100 Aksaray / TÜRKİYE

### **Editorial...**

*Meeting with its readers in the first issue; Bayterek International Journal of Academic Research share review, research and introduction articles of various science fields, especially Social Sciences, Humanities and Administrative Sciences, Educational Sciences and Teacher Training and Philology Core Fields, with open access to the readers in electronic environment. In the first issue, eight articles has been published from various branches of science. Five article in the field of history, the literature 2 article, the political science and the public administration 1 article. We invite scientists in their fields to support our journal and the scientific community with their original articles; hope to meet at our new issue.*

### **Editörden...**

*İlk sayısıyla okuyucularıyla buluşan BAYTEREK Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi; Sosyal, Beşeri ve İdari Bilimler, Eğitim Bilimleri ve Öğretmen Yetiştirme ile Filoloji Temel Alanları başta olmak üzere çeşitli bilim alanlarının araştırma, inceleme, derleme ve tanıtma içerikli bilimsel çalışmalarını elektronik ortamda açık erişimle okuyucuları ile paylaşmaktadır. İlk sayısında farklı bilim dallarından sekiz makaleyle yayın hayatına başlamıştır. Tarih alanında beş makale, edebiyat alanında iki makale, siyaset bilimi ve kamu yönetimi alanında bir makale yer almaktadır. Bilim insanlarını alanlarında özgün makaleleriyle dergimize ve bilim alemine destek vermeye davet ediyoruz; yeni sayımızda buluşmak üzere.*

**Dr. Onur Alp KAYABAŞI**

Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi Editörü | Editor of International Journal of Academic Research

## İçindekiler / Contents

	Sayfa / Page
<b>Editörden / Editorial</b>	1-1
<b>Makaleler / Articles</b>	
<b>Emre GÜLER / Osmanlı Hâkimiyeti Döneminde Türk-Macar İktisadi ve Kültürel İlişkileri.....</b>	1-13
<b>Halil Can AKGÜN / Tatar Halk Efsanelerinde Şürelî Tipi Üzerine.....</b>	14-23
<b>Kübra ESEN / Cemil Meriç'in Eserlerinde Medeniyet, Yabancılaşma ve Aydın Kavramlarının Yorumu.....</b>	24-39
<b>Mehtap MÜÇÜK / Sibiryâ Sahası Türk Destanlarında "Ay"la ilgili İnançlar</b>	40-55
<b>Serap İLKHAN / II. Meşrutiyet Döneminde Türk Kadını.....</b>	56-76
<b>Sinan KURT / İslam Kaynaklarına Göre XIV. Yüzyıla Kadar Türkler.....</b>	77-93
<b>İsmail YILDIZ / Tarihte Belge Kullanımında Gerçekçilik ve Talat Paşa'nın Telgrafı Meselesi Örneği.....</b>	94-104
<b>Alisher OCHİLOV / Jewelry Traditions As A Source of Study on The History of Bukhara.....</b>	105-116

## **Заргарлик анъаналари Бухоро тарихини ўрганиш манбаси сифатида (Jewelry Traditions As A Source of Study on The History of Bukhara)**

**Alisherdan OCHILOV<sup>1</sup>**

### MAKALE BİLGİ

*Makale Geçmişi*  
*Article History*

### ÖZ

**Қисқача маълумот:** Ҳозирги кунда Бухоронинг заргарчилигига ва заргарчилик мактабининг буюмларига эътибор ҳар қачонкидан ҳам ортган. Лекин, заргарчиликнинг воҳада пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича тадқиқотлар жуда озлиги бу мавзунини қанчалик долзарблигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ушбу мақола орқали мен ўз олдимга Бухоро воҳасида заргарчиликнинг илдиэларини археологик тадқиқот натижалари орқали очиб беришни мақсад қилдим.

Тадқиқотчи олимларнинг янги замон Бухоро заргарлик ишини ўрганиш соҳасидаги муваффақиятлари билан бирга, турли масала ва муаммоларни ўрганилиш ҳолатида нотенглик ҳам мавжуд. Масалан, тадқиқотларда аёллар зеб-зийнат буюмлари кенгрок ўрганилган бўлса, эркак ва болалар буюмлари, уларнинг безаклари камрок тадқиқ этилган. Заргарлар буюмларининг кенгрок ўрганилиши баробарида, заргарлик хунарининг ташкиллаштирилиши масаласи камрок тадқиқ этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда заргарлик ишини янада чуқур ва теранрок ўрганиш учун авваламбор, заргарлик ишлаб чиқариш буюмлари (безаклар, заргарларнинг меҳнат қуроллари), ёзма манбалар, нумизматика, миниатюра ва фотосуратлар сингари турли туман манбаларни максимал даражада жалб этиш ёрдамида тадқиқотнинг манбавий асосини кенгайтириш лозимдир.

Anahtar Kelimeler: Cemil Meriç; aydın; medeniyet; yabancılaşma; kültür.

© 2018 BUAAD-BIJAR. Tüm hakları saklıdır

### *\*Extended Abstract (English)*

### **Summary**

During the years of independence, great work is being done to study the history of folk crafts and to convey its standards to the new generations. At present, there are wide opportunities for the study of historical monuments, including the history of handicrafts and to develop these studies based on new foundations in the Republic of Uzbekistan.

During the years of independence in the Republic of Uzbekistan, there has been growing interest in its rich cultural and historical heritage. This made a comprehensive study of the traditional forms of material and spiritual culture as relevant topic of research. Massive forms of applied arts, which define the aesthetic and ethical ideals of the people in many cases, are of particular importance in this respect. The importance of jewelry items as archaeological findings and ethnographic sources is also widely accepted by historians. Studying one of the traditional forms of crafts and applied arts - Bukhara's jewelry is plays an important role in determining the position of the oasis as a craftsmanship, trade and political center of Central Asia.

At present, we can see the rise of interest in the history of Bukhara's jewelry traditions. However, there are limited publications on the emergence and development of jewelry craft that indicate the relevance of the chosen topic of research. Therefore, with this article, I aim to reveal the historic roots of jewelry traditions based on the archeological findings in Bukhara region.

Along with the obvious progress in research and study of the Bukhara jewelry traditions in recent decades, there is also a disparity in representation of various issues and problems. For example, in these publications, women's jewelry is studied more widely, while men's and children's jewelry items remain less

<sup>1</sup>Очилов Алишер Тўлис ўғли- Ўзбекистон Республикаси, Бухоро давлат университети ўқитувчиси e-mail Galaktikos2191@mail.ru

studied. It can be also seen in the fact that jewelry items themselves have been better studied, than the problems of organization of jewelry production. Therefore, for deeper and better understanding of the history of jewelry traditions it is necessary to expand the source base of the research, first of all, with the maximum involvement of various historic sources, such as jewelry production (jewelry items, jeweler's tools), written sources, numismatics, miniature paintings and photographs.

Different aspects and problems of jewelry production and related socio-economic history of Central Asia in the late 19th- early 20th century has already been examined by such major historians, ethnographers and art historians as O. A. Sukhareva, D.Faxretdinova, L. Chvyr. However, the study of ancient history of Bukhara jewelry is just beginning. Studying the problem of ancient Bukhara jewelry on the basis of archeological sources remains one of the less studied subjects. At present, only a few publications about Bukhara oasis jewelry are available here. An important contribution for our present understanding of ancient jewelry traditions of the region based on archaeological material was done by Makhsuma Niyazova in her dissertation dedicated to the history of jewelry in Bukhara. Later works, including this article are primarily based on her studies.

For thousands of years, Bukhara has been not only the center of the oasis, but also the capital of a number of major states in the territory of Central Asia. This led to the rise of the synchronicity of the jewelry form in the capital due to attracting jeweler craftsmen from other centers and regions.

During the archaeological excavations at the sites of Tuzkon, Darvozakir I and II of the Neolithic period, a collection of 56 jewelry items was discovered. They consist of pearls that are very simple in shape and made of turquoise, lapis lazuli and shell, necklace made of white marble by local masters in the form of a plinth or circle. This indicates the existence of a transfer between the tribes of the North (Altintag, Qorataq and Nurata) and southern (Tuzkon) tribes in the Neolithic period. Because, in fact, there are no marble deposits in the area around Tuzkon archeological site. These jewelry items are characteristic for the Sazagon (Samarkand region) and to the sites in central Fergana area as well. There were many jewelry workshops using turquoise in the area of inner Kyzylkum desert.

At the beginning of the Bronze Age, bronze bracelets are started to be used by the people in Bukhara oasis. Such bracelets are typical for the region of Khorezm and Kyrgyz sedentary and steppe monuments of the Bronze Age.

The unique information collected on the basis of studying archaeological, written and historiographical sources allowed to conduct general and comparative research on the issues of domestic and foreign trade and economic relations, commodity-money relations, trade-transit roads that developed on the basis of craftsmanship of Bukhara oasis, classification of jewelry and organization of the craft. Based on this research following conclusions were reached:

- The formation of a complex of women and men jewelry items of the Bukhara oasis of Neolithic, Eneolithic, Bronze, Iron, Ancient and Middle Ages were reviewed. The general direction of the evolution of Bukhara jewelry style was examined and similarities between elements of ornaments of Bukharian Sogdiana jewelry and jewelry from other regions were discovered. This analysis allows to observe the role of cultural relations, trade relations and their position in the formation of the jewelry complexes. The integration of nomadic elements, which indicates a close relationship between the nomadic and sedentary population was noted. Furthermore the role of religious beliefs in the formation of Bukhara jewelry school was identified.

- Results of many years of archeological researches conducted in the region of Bukhara, the analysis of the written sources, ethnographic and geological studies in this area allowed to present a classification of the craft industries.

- Certain traditions and ceremonies dating from ancient times have allowed to identify a complex of religious-magic conceptions connected with jewelry items.

- At present, the art of Bukhara jewelry is on its way to recovery. Modern Bukhara masters create jewelry items on the basis of the best traditions of the local jewelry school.

In conclusion we can say that, Bukhara oasis as one of the major centers of crafts and trade in the region attracted craftsmen from other regions and countries. Craftsmen who came from other places adapted to the taste of the local population and created items in the style of Bukhara. However, they used specific techniques that were characteristic to their particular regional schools. The synthesis of ornamental traditions that were not opposites but complemented and developed each other in the mutual way.

At present the art of Bukhara jewelry is on its way to recovery. Modern Bukhara masters create jewelry items on the basis of the best traditions of the local jewelry school. I would like to point out that at this new stage in the study of Bukhara history the attention paid to the crafts and their works in the archaeological research can help in the development of tourism industry in Uzbekistan. Every visitor coming to Bukhara, having seen the examples of Bukhara jewelry, highly appreciates the work of Bukhara jewelry school.

This article describes the emergence and development of the Bukhara jewelry traditions.

**Keywords:** Bukhara; archaeological research; jewelry items; jewelry school.

**Қисқача маълумот:** Ҳозирги кунда Бухоронинг заргарчилиги ва заргарчилик мактабининг буюмларига эътибор ҳар қачонкидан ҳам ортган. Лекин, заргарчиликнинг воҳада пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича тадқиқотлар жуда озлиги бу мавзунини қанчалик долзарблигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ушбу мақола орқали мен ўз олдимга Бухоро воҳасида заргарчиликнинг илдиларини археологик тадқиқот натижалари орқали очиб беришни мақсад қилдим.

Тадқиқотчи олимларнинг янги замон Бухоро заргарлик ишини ўрганиш соҳасидаги муваффақиятлари билан бирга, турли масала ва муаммоларни ўрганилиш ҳолатида нотенглик ҳам мавжуд. Масалан, тадқиқотларда аёллар зеб-зийнат буюмлари кенгрок ўрганилган бўлса, эркак ва болалар буюмлари, уларнинг безаклари камрок тадқиқ этилган. Заргарлар буюмларининг кенгрок ўрганилиши баробарида, заргарлик ҳунарининг ташкиллаштирилиши масаласи камрок тадқиқ этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда заргарлик ишини янада чуқур ва теранрок ўрганиш учун авваламбор, заргарлик ишлаб чиқариш буюмлари (безаклар, заргарларнинг меҳнат қуроллари), ёзма манбалар, нумизматика, миниатюра ва фотосуратлар сингари турли туман манбаларни максимал даражада жалб этиш ёрдамида тадқиқотнинг манбавий асосини кенгайтириш лозимдир.

Археологик манбалар асосида қадимги Бухоро заргарлик иши масаласини ўрганиш нисбатан кам тадқиқ этилган масала бўлиб қолмоқда. Бу ўринда фақатгина Бухоро ва Бухоро воҳаси тақинчоқлари масалаларига бағишланган кам сонли нашрларни қайд этиб ўтиш мумкин. Бухоро шаҳри минг йиллар давомида нафақат воҳанинг маркази, балки Мовароуннаҳр ва Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган бир қатор йирик давлат бирлашмаларининг пойтахти бўлиб келган. Бу ҳол пойтахтга бошқа марказлардан заргар усталарни жалб этилиши натижасида заргарлик буюмлари шаклининг синкретизацияси юксалишига замин яратган.

Археологик, манбашунослик ва тарихшунослик маълумотларини ўрганиш асосида тўпланган ноёб маълумотлар Бухоро воҳасининг ҳунармандчилиги, ҳунармандчилик маҳсулотлари таснифи (классификацияси), ҳунармандчилик ишлаб чиқариши заминида ривож топган ички ҳамда ташқи савдо-иқтисодий алоқалари, товар-пул муносабатлари, савдо-транзит йўллари каби масалалар бўйича умумлашма ва қиёсий-таҳлилий тадқиқотлар олиб борилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

-Неолит, энеолит, бронза, темир, антик ва ўрта асрлар даврига оид Бухоро воҳасининг аёллар ва эркаклар безаклари мажмуасининг шаклланиши кўриб чиқилди. Бухоро заргарлик буюмлари услуби эволюциясининг умумий йўналиши кўриб чиқилиб, Бухоро Сўғди безакларининг бошқа ҳудудлардаги зеб-зийнат буюмлари элементлари ўртасидаги ўхшашликлар аниқланди. Мазкур анализ маданий алоқалар, савдо-сотик муносабатларининг мавжудлиги ва уларнинг безаклар мажмуаси шаклланишида тутган ўрнини кузатиш имконини беради. Кўчманчиларнинг ўтроқ аҳоли билан яқин муносабатда эканлигидан далолат берувчи кўчманчи унсурларнинг интеграцияси қайд этилади, Бухоро заргарлик мактабининг шаклланишида диний эътиқодларнинг ўрни аниқланди.

-Бухоро воҳасида узок йиллар мобайнида олиб борилган археологик излавишлар, соҳага доир амалга оширилган манбашунослик, этнографик, геологик тадқиқотлар таҳлили ҳунармандчилик соҳаларининг таснифини тузиш имконини берди.

-Баъзилари қадим замонларга бориб тақаладиган анъана ва маросимлар заргарлик буюмлари билан боғлиқ бўлган диний-магик тасавурлар мажмуасини аниқлашга имконият яратди.

-Ҳозирги кунда Бухоро заргарлик санъати қайта тикланиш йўлига кириб бормоқда. Замонавий Бухоро усталари заргарлик буюмларини маҳаллий заргарлик мактабининг энг юксак анъаналари асосида яратмоқдалар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг йирик марказларидан бири сифатида Бухоро бошқа ҳудуд ва мамлакатлар ҳунармандларини ўзига жалб этган. Ташқаридан келган ҳунармандлар маҳаллий аҳоли дидига мослашиб, Бухоро безаклари шакллари яратганлар. Аммо, фаолиятлари давомида ўзлари учун хос бўлган аниқ техник услублардан фойдаланганлар. Бир-бирига қарши бўлмаган, балки тўлдириб, ривожлантирадиган нақш анъаналари синтези амалга оширилган.

Ҳозирги кунда Бухоро заргарлик санъати қайта тикланиш йўлига кириб бормоқда. Замонавий Бухоро усталари заргарлик буюмларини маҳаллий заргарлик мактабининг энг юксак анъаналари асосида яратмоқдалар. Шунинг тақидлашим жоизки, Бухоро тарихини ўрганиш ҳозирги кунда янги бир босқичга чиққанлигини инобатга олган ҳолда археологик ўрганишда ҳунармандчилик соҳасига қаратилган эътибор туризм ривожланишида ҳам ўз ўрнига ега соҳалар сирасига киради. Бухорога келган ҳар бир меҳмон Бухоро заргарчилик намуналарини кўриб, ҳозирги кунда шакланган Бухоро заргарчилик мактаби фаолиятини юқори баҳолаб келмоқда.

Ушбу мақола орқали Бухоро воҳаси заргарчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ёритиб берилди.

**Калит сўзлар** : Бухоро, Археологик тадқиқотлар, Зеб-зийнат буюмлари, Заргарлик мактаби.

## Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тарихий ёдгорликлар, жумладан, хунармандчилик тарихини ўрганиш ва янги асосларда ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилган. Мустақиллик йилларида халқ хунармандчилиги тарихини ўрганиш ва унинг андозаларини авлодларга етказиш бўйича катта амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари давомида бой маданий-тарихий меросига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу ҳол унинг моддий ва маънавий маданиятининг анъанавий шакллари хар томонлама ўрганишни долзарб вазифа сифатида белгилади. Кўп ҳолларда халқнинг эстетик ва ахлоқий идеалларини белгилаб берадиган амалий санъатнинг оммавий турлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолади. Археологик топилмалар ва этнографик манбалар сингари заргарлик буюмларининг ҳам тарих фанидаги аҳамияти ҳозирги кунда кенг миқёсда тан олинган. Хунармандчилик ва санъатнинг анъанавий шаклларида бири- Бухоро заргарлигини ўрганиш бу воҳанинг Марказий Осиёнинг хунармандчилик, савдо-сотиқ ва сиёсий маркази сифатидаги ўрнини белгилашда катта аҳамиятга эга.

Заргарлик иши масаласи ва у билан боғлиқ бўлган Ўрта Осиёнинг XIX-XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-иқтисодий тарихи муаммолари О. А. Сухарева, Д. Фахретдинова, Л. Чвырь сингари йирик тарихчи, этнограф ва санъатшунос олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Лекин, Бухоро заргарлик иши тарихининг қадимийроқ даврларини ўрганиш эндигина бошланмоқда.

## Асосий қисм

Неолит даврига оид Тузкон, Дарвозақир I ва II ёдгорликларида ўтказилган археологик қазилмалар мобайнида 56 буюмдан иборат безаклар мажмуаси топилди. Улар шакли жиҳатидан анча оддий бўлган феруза, ложувард ва чиғаноқлардан ишланган мунчоқлар шодаси, пластина ёки айлана кўринишида маҳаллий устолар томонидан безак сифатида оқ мармардан ишланган тухумсимон-чўзиқ шаклдаги шокилалардан иборат.<sup>3</sup> Бу ҳол неолит даврида шимолий (Олтинтоғ, Қоратоғ ва Нурато) ва жанубий (Тузкон)

---

<sup>3</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. - Ташкент, 1966. - С. 97; Szymczak K., Khudzhazarov M. Brunet F. Some Neolithic and early bronze age finds from Makhandaria region.// История Узбекистана в археологических и письменных источниках. - Ташкент, 2005. - Р. 31



қабилалар ўртасида айирбошлашнинг мавжудлигидан далолат беради. Чунончи, Тузкон атрофларида мрамар конлари мавжуд бўлмаган. Бу безаклар Сазагон (Самарқанд вилояти) ва Марказий Фарғона учун ҳам хосдир<sup>4</sup>. Ички Қизилқумда ферузани қайта ишлайдиган кўплаб заргарлик устахоналари мавжуд бўлган.<sup>5</sup>

1. Энеолит даврига оид Катта Тузкон манзилгоҳидан топилган безаклар ҳамма томони силлиқланган оқ мрамардан ишланган тухумсимон ва учбурчак шаклдаги шокилалардан иборат.
2. Бронза даврига оид Замонбобо (манзилгоҳ, қабристон), Ғужайли (манзилгоҳ, қабристон) ёдгорликлари маржонлари асосан кўкрак безаклари орқали тақдим этилган. Маржонлар олтин, жез ва заргарлик тошларидан ишланган.

Бронза даври бошларида қўл учун тақинчоқлар- жез билагузуклар пайдо бўлади. Бундай билагузуклар Хоразм ва Қирғизистондаги ўтроқ ва чўл бронза даври ёдгорликлари учун хосдир.

Замонбобо манзилгоҳи қабрларидан бизга Сополлитепа, Олтинтепа ва Шимолий Тожикистон қабрлари материаллари бўйича маълум бўлган пардоз “белчалар” топилган. Мазкур турдаги буюмлар Бухоро аёллари томонидан XIX-XX асрнинг бошларида ҳам ишлатилган бўлиб, пешавез номли безакнинг бир қисми ҳисобланган.

Ривожланган бронза даврида (Ғужайли мажмуаси, милоддан аввалги II минг йиллик) зеб-зийнат буюмлари мажмуасининг пайдо бўлиши чаккага осиладиган шокилалар, маржонлар шодаси, қўл ва кийим кечакка мўлжалланган безаклар кўзга ташланади. Бу жараён тадқиқотчилар томонидан бутун Ўзбекистон учун ҳам хослиги қайд этилган.<sup>6</sup> Буюмлар янги шакллариининг пайдо бўлиши заргарлар имкониятларини кенгайтирадиган металлнинг ишлатилишига олиб келади.

Бронза даврига оид алоҳида безаклар шакли (чаккага осиладиган шокилалар, билагузуклар), маржонларни шодага териш тизимининг мавжудлиги ҳосилдорлик ва абадийлик ғояси билан боғлиқ бўлган илон илоҳисининг мавжудлигидан далолат беради. Илон уй химоячиси, донолик ва фаровонлик рамзи, шунинг учун ҳам унинг образи аёллар тақинчоқларида кўп тасвирланган.<sup>7</sup>

---

<sup>4</sup> Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Горы и равнины: культурные контакты (неолит Среднего и Нижнего Зарафшана)// Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. - Самарқанд-Бишкек, 2005. - С. 78, 79

<sup>5</sup> Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. - М., 1981. - С. 8

<sup>6</sup> Лунева В. Классификация ювелирных украшений Узбекистана эпохи бронзы (III-II тыс. до н.э.)// Археология, история и культура Средней Азии. Тезисы докладов Международной научной конференции, посвященной 60-летию Э.В. Ртвеладзе. - Ташкент, 2002. - С. 72

<sup>7</sup> Ремпель Л.И. Цепь времен.-Ташкент,1987.-С.32-34

Хочсимон маржонлар, ложувард, қаҳрабо ва чиғаноқлардан ишланган маржонлар қадимда Бухоро воҳаси билан Марказий Осиёдаги кўшни давлатлар ва Ҳиндистонда яшаган маданият вакиллари ўртасида савдо алоқаларининг мавжудлигидан далолат беради.

Милоддан аввалги IV- милодий IV асрларга оид заргарлик безаклари тадқиқ этилади. Аёллар зеб-зийнат буюмлари бош ва кўкрак, ҳамда қўл ва кийим-кечак учун буюмлардан иборат.

Бош безакларининг турлари тўғрисида милодий I-IV асрларга оид (Бухоро, Варахша, Қизилқир II, Учқулоҳ, Оёқтепа ва Тахмачтепа) аёллар терракоталарида мавжуд бўлган тасвирлар- гултож, учбурчак шаклдаги тиллақош, маржонлардан ишланган тиллақош, “muralis” минора шаклидаги тож, ингичка гардиш, юзни тарҳлаш учун ишлатадиган пешона-чаккага осиладиган тақинчоқ ва тухумсимон шаклдаги узун тож каби буюмларга қараб фикр юритиш мумкин.

Соч учун безаклар иккита жез (Хазар) ва қўл панжаси шаклида яқунланадиган уч суяк (Сеталак I, III-V асрлар) соч қисқичидан иборат.<sup>8</sup> Мазкур турдаги тасвирлар Ўрта Осиёда бронза даврида учрайди ва Марказий Осиёнинг сўнгги кушон даврига оид ёдгорликлар учун ҳам хосдир. Бундай турдаги тасвирларнинг диний аҳамияти анча кенгдир.

Қулоққа тақиладиган зеб-зийнат буюми- халқасимон ва илгаксимон шаклдаги зираклардан иборат. Халқасимон зираклар икки турга бўлинади: амфорасимон шаклдаги шокилалар (олтин, Лавандоқ, Қўлқудук қўрғонлари милоддан аввалги II-I асрлар) ва оддий туташмаган узук шаклида (жез, темир). Терракоталарда (Бухоро, III-IV асрлар) ҳам мазкур турдаги зираклар кўзга ташланади.

Бўйинга тақиладиган безаклар орасида оддий ва кўп қисмли бир ёки беш маржон ипларидан тизилган шодалар ва турли шаклдаги шокилаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг асосий қисми ҳақиқ, ҳалланган шиша, сабаж (гагат), жез, оқтош, белемнит, марварид, оҳак ва фаянсдан ишланган маржонлар ташкил этади. Шишага эритилган зарқоғоз маржонлар яхши маълум бўлиб, улар Ўрта Осиё, Волгабўйи ва Кавказда милоддан аввалги III - милодий II асрларда кенг тарқалган. Мунчоқлар шодаси Бухоро воҳасидан топиб ўрганилган IV асрларга оид терракоталарда ҳам аниқ кўринади. Олтин, жез, тош, шиша ва миср фаянсидан ишланган шокилалар шакли жиҳатидан мағизли параллелепипед (Қизилқир, V асрлар), амфорасимон (Қўйимозор, Конимех,

---

<sup>8</sup>Культура Древнебухарского оазиса в III - V вв. н.э. - Ташкент, 1983. - С.107: рис. 39

Ҳайдаркўл кўрғонлари, м. а. II-I асрлар), “кукиш” тасвири муштча шаклида (Кўйимозор, Сеталак III-IV асрлар), айлана, узум шингили ва шиша идиш (Кўйимозор) ҳамда қулоқчали кўнғироқча (Кўйимозор) шаклида бўлганлар. Зооморфик шаклдаги шокила ва ҳуққалар шер, тошбақа (Конимех кўрғонлари, I аср), чивин (Ҳайдаркўл, милодий I аср кўтармасидан), учида кўй тасвири туширилган шикилдоқча шаклида (Сеталак), ёки устида кўнғироқча мавжуд бўлган қушча тасвири (Ҳазора) шаклига эга. Антропоморфик шокилалар шакли жиҳатидан услублаштирилган одам ҳайкалчаси (кўрғон Конимех, I аср) кўринишида бўлган.

Милоддан аввалги II- милодий I асрларда Ўрта Осиёда амфорасимон шокилалар жуда кенг тарқалган . Муштча шаклидаги халцедон тошидан ясалган шокилалар Аёзқалъадан (II-III асрлар), узум шингили шаклидаги (I-II асрлар) шокилалар Тепаи Шох ёдгорлигидан топилган. Жез антропоморфик ҳайкалчалар Олтинасар, Панжикент кўрғонлари, ҳамда Қорабулоқ қабристонидан (II-IV асрлар) топилган.<sup>9</sup> Улар дафн этиш маросимлари билан боғлиқ бўлиб, бундай турдаги буюмларнинг кўрғонларда учраши Бухоро воҳаси қадимги аҳолисининг дунёқарашини акс эттиради.

Рим-Ўрта Осиё алоқаларини ўрганишда Римга тобе бўлган Мисрдан Ўрта Осиёга келтирилган буюмлар катта аҳамиятга эгадир. Фаянсдан ишланган зооморфик ҳайкалчалар қадимги Мисрда кенг тарқалган бўлиб, улар ўша давр аҳолиси наздида сеҳрли кучга эга бўлган.

Кўл учун безаклар билагузук ва узуклардан иборат. Билагузуклар жез ва темирдан ишланган. Улар туташмаган симдан ясалган, учлари илон бошлари тасвири билан безатилган (Ҳазора). Бурама билагузуклар ҳам мавжуд (Кўлқудук кўрғонлари). Скиф ёдгорликлари билан таққослаганда улар милоддан аввалги IV-III асрларга оид деб давланган.<sup>10</sup>

Узуклар кумуш, жез ва темирдан ишланган. Кумуш узук кўзи ўрнида тухумсимон кенгайишга эга (Лавандоқ). Жез (Ҳазора) ва темирдан ишланган узуклар (Кўйимозор, Ҳазора) кесимда ясси ёки айлана шаклда бўлиб, туташмаган, баъзида услублаштирилган илон боши тасвири билан яқунланадиган учли ўралган симдан ясалган.

Кийим-кечакка мўлжалланган безаклар аёл боши тасвири тилло плакетка

<sup>9</sup>Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // ТХАЭ. Т. II. - М., 1958. - С.247; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. - Л., 1973. - С. 91, 92; Памятники культуры и искусства Киргизии. Каталог выставки. - Л., 1983. - С. 35. № 66-69

<sup>10</sup>Маньолов Ю.П. Раскопки Кулқудукской курганной группы в центральных Кызылкумах.// ИМКУ. Вып. 23. - Ташкент, 1990. - С. 56

(айлана металл пластинка) (Лавандоқ, милоддан аввалги II аср), тилло сагак (Қизилқир, IV-V асрлар) ва кийим-кечак қисмларини тўқиш учун мўлжалланган шиша ва гишердан ишланган майда мунчоқлардан иборат.

Эркаклар заргарлик буюмлари уч тоифадан иборат: бош, бел ва қўл учун мўлжалланган безаклар.

Хукмдорлик рамзи- ингичка лентача шаклдаги диадема хукмдор Асбар бошини ўраб олган (танга, III-IV асрлар).

Бухоро Сўғди қўрғонларида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида камар тўпламлари таркибига кирган темир ва жез (Шахри Вайрон, Лавандоқ, Қизилқир), гишер (Қизилтепа) ва суюқдан (Қизилтепа, Қўйимозор) ясалган камар халқалар топилган. Бадиий безатилган ва заргарлик тошлари (феруза) билан қадалган камар халқалари ҳамда тўқалар икки турда: тўғрибурчакли ва тухумсимон. Нақш одатда ҳайвонот услубда (туя, йўлбарс, илон) ишланган бўлиб, антропоморфик тасвирлар ёки геометрик нақшлар ҳам мавжуд.

Темир ва жездан ҳалқасимон шаклда ишланган узуклар Бухоро Сўғди қўрғонларининг кўпчилигидан топилган. Топилмалар орасида Хўжа Уббондан топилган гемма-муҳрни таъкидлаб ўтиш мумкин.<sup>11</sup> Тақиш услубига кўра уни эркак кийим-кечагида турли жойларда ишлатилган муҳр-шокилалар қаторига қўшиш мумкин.

Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган давр безаклари шаҳарлар марказлари ҳунармандлари ва кўчманчилар томонидан ясалган буюмлар билан бир қаторда четдан келтирилган буюмларни ҳам акс эттиради. Яқин Шарқ заргарлик марказлари билан мавжуд бўлган алоқа айниқса тараққий этган. Бухоро воҳаси қўрғонларидан топилган ҳайвонлар кураши манзараси тасвирланган тўқалар милоддан аввалги III минг йилликда Жанубий Сибирь, Хитой ва Мўғулистонда ҳам кенг тарқалган. Илонбошли билагузуклар Марказий Осиёнинг барча ҳудудлари учун анъанавийдир. Эллинистик анъаналар алоҳида зеб-зийнат буюмлари турлари (шокилалар, зирак ва геммалар)да кўзга ташланади. Заргарлик безаклари ёрдамида Бухоро воҳаси ва бутун Марказий Осиёда кейинги асрлар давомида аёлларнинг жамиятда тутган ўзига хос ўрни тўғрисидаги ёзма манбалардаги маълумотлар тасдиқланади ва тўлдирилади.

Бир неча турдаги Варахшадан топилган ўймакор ганч ва деворий расмларда акс эттирилган аёллар бош безаклари: 1. марказий олтин безакка эга бир неча дурлардан терилган тиллақошлар. 2. Кенг ҳажмдаги марказий безакка эга қалпоқча. 3. Ингичка

---

<sup>11</sup>Борнс А. Путешествие в Бухару. - М., 1848

гардиш шаклидаги тиллақошлардан иборат.<sup>12</sup>

Зираклар эса асосан халқасимон, олтин, қумуш, жез ва олтин ўралган темирдан ясалган (Пойкент, Бухоро, Варахша).

Кўкрак усти зеб-зийнат буюмлари асосан мунчоқлар шодаси ва баъзида уч йирик шокилали гардишсимои безаклардан иборат. Маржонлар ҳақиқ, ложувард, марварид, кошин, сопол ва шишадан ишланган. Марказий шокилалар металл, тош, органик материаллардан ишланган бўлиб, шакл жиҳатидан икки ўрқачли туя боласи ҳайкалчаси шаклига (Варахша), амфорасимои шаклга (Бургутлитепа), тухумсимои ва баргсимои пластинка шаклига (Бургутлитепа, Варахша, Пойкент) эга.

Кўл учун тақинчоқгалар: уч марварид-шокилали узук (аёл тасвири, Варахша саройи Шарқий залининг деворий суратлари)ни мисол келтириш мумкин.

Эркаклар безаклари. Тож сингари археологик тарзда қайд этилмаган. Мураккаб заргарлик буюмлари Варахша деворий расмлари ва ганч панноларда акс этирилган. Бу баланд қайтармаларга эга бўлган кигизли бош кийими бўлиб, юқорида марказига йирик олтин безак ўрнатилган; дурлар билан синчиклаб тикилган қуш қанотли тож; марваридлардан ишланган диадема; марказда айлана безакка эга бўлган икки гардишли диадема. Деворий расмлар маълумотлари илк ўрта асрлар хитой йилномалари<sup>13</sup> билан тасдиқланиб, Афросиёб ва Панжикентдаги деворий суратлар, танга ва терракоталарда ўхшашликларга эга.

Варахша деворий суратларидаги эркаклар зираклари халқасимои ва илгаксимои шаклга эга. Халқасимои зираклар икки банд ёки икки маржон-шокилали узук шаклида ишланган. Илгаксимои зираклар икки ёки учта алоҳида жойлашган айлана маржонлардан мажмуа қилинган. Бошқа ҳудудларнинг (Афросиёб, Панжикент, Кофирқалъа ва Ҳиндистон) бу даврга оид материаллари мазкур шаклдаги зиракларни акс этиради.

Кўкрак усти безаклар: марказида йирик айлана шокилали бир ёки икки майда маржон иплардан тузилган шодалар; маржон ва гардишсимои шодалар (терракоталар, Варахшадаги, Пойкент; эркак тасвири, Варахша, Шарқий зал).

Елка усти безаклари. Эркак тасвирларида қўлтиқдан осилиб, белгача тушган маржон ёки марваридли иплар тасвирланган (ганч, Варахша). Бундай турдаги безакларни Ажанта деворий тасвирлари ва барельефларида ҳам учратиш мумкин.

<sup>12</sup> Шишкин В.А. Варахша. - М., 1963. - С.185: рис. 107

<sup>13</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II. - М.- Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1950. - С. 310

Қўл учун безаклар. Деворий суратлардаги эркак тасвирларида акс эттирилган билагузуклар юмиқ шаклдаги тизилган маржонли симли билагузуклар ёки марказида йирик тошли айлана бандакли пластинча билагузуклардир. Мазкур турдаги билагузукларни Афросиёб, Панжикент ва Болаликтепа деворий расмларида эркак тасвирлари қўлида учратиш мумкин.

Халцедон, ҳақиқ ва ақиқдан ишланган сохта узук ёки тешикли яримдумалоқ шаклдаги геммалар муҳр ва тумор вазифаларини бажарганлар. Манзарали композицияга эга геммалар асосий қисми ташкил этади (қанотли яланғоч йигит, Тахмачтепа, VI-VII асрлар; алтарь ёнидаги қоҳин, Бухоро воҳаси, IV-V асрлар; қанотли от, тоғ эчкиси, қўй, хўроз, асалари, Хўжа Уббон, Пойкент). Ёзувли муҳрлар пайдо бўлади: насл исмли идеограммалар (Варахшо, VIII аср).<sup>14</sup>

Бир неча турдаги қамарбандлар мавжуд бўлган: маркази кавариқ кичик ва йирик айлана шаклдаги олтин ва кумуш тўқали қамарбандлар; нақш билан безатилган тўғри бурчакли олтин пластиналар қамарбандлар ва икки айлана тўқадан иборат ҳалқали белбоғлар. Улар Панжикент ва Афросиёбдан топилган ашёвий далилларда ўхшашликларга эга.

Аёл ва эркаклар кийимлари металл унсурлар ва тошлар билан ниҳоятда бой безатилган.

Шундай қилиб, аёл ва эркаклар безаклари турларининг хилма-хиллиги кенгайди. Варахшо деворий суратларида тасвирланган Бухоро ҳукмдорининг кигизли тожи туркларнинг сўғд жамиятига интеграциясини акс эттиради. Бу маданиятлар синтезига олиб келиб, уларни ўзаро бойитган. Безакларнинг алоҳида тоифалари Ҳиндистон заргарлик буюмларида ўхшашликларга эга. Узукларнинг ишлаб чиқариш техникаси ва алоҳида манзаралар Сосонийлар Эрони таъсирини акс эттиради. Мазкур даврда кейинги асрлар учун хос бўлган баъзи зеб-зийнат буюмларининг намуналари яратилади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг йирик марказларидан бири сифатида Бухоро бошқа ҳудуд ва мамлакатлар ҳунармандларини ўзига жалб этган. Ташқаридан келган ҳунармандлар маҳаллий аҳоли дидига мослашиб, Бухоро безаклари шакллари яратганлар. Аммо, фаолиятлари давомида ўзлари учун хос бўлган аниқ техник услублардан фойдаланганлар. Бир-бирига қарши бўлмаган, балки тўлдириб, ривожлантирадиган нақш анъаналари синтези амалга оширилган.

---

<sup>14</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. - М., 1970. - С. 25, 26

Ҳозирги кунда Бухоро заргарлик санъати қайта тикланиш йўлига кириб бормоқда. Замонавий Бухоро усталари заргарлик буюмларини маҳаллий заргарлик мактабининг энг юксак анъаналари асосида яратмоқдалар. Шунини таъкидлашим жоизки, Бухоро тарихини ўрганиш ҳозирги кунда янги бир босқичга чиққанлигини инобатга олган ҳолда археологик ўрганишда хунармандчилик соҳасига қаратилган ётибор туризм ривожланишида ҳам ўз ўрнига ега соҳалар сирасига киради. Бухорога келган ҳар бир меҳмон Бухоро заргарчилик наъмуналарини кўриб, ҳозирги кунда шаклланган Бухоро заргарчилик мактаби фаолиятини юқори баҳолаб келмоқда.

Ушбу мақола орқали Бухорода воҳаси заргарчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, воҳадаги ёдгорликларда археологик тадқиқотлар натижасида топиб ўрганилган заргарлик буюмлари қиёсий таҳлил қилинди ва солиштирилди.

## АДАБИЁТЛАР

- Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. - Ташкент, 1966.
- Джуракулов М.Ж., Холматов Н.У. Горы и равнины: культурные контакты (неолит Среднего и Нижнего Зарафшана)// Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. - Самарканд-Бишкек, 2005.
- Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. - М., 1981.
- Лулева В. Классификация ювелирных украшений Узбекистана эпохи бронзы (III-II тыс. до н.э.)// Археология, история и культура Средней Азии. Тезисы докладов Международной научной конференции, посвященной 60-летию Э.В. Ртвеладзе. - Ташкент, 2002.
- Ремпель Л.И. Цепь времен.-Ташкент,1987.
- Культура Древнебухарского оазиса в III -УТвв.н.э. - Ташкент, 1983.
- Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // ТХАЭ. Т. II. - М., 1958.
- Маньолов Ю.П. Раскопки Кулкудукской курганной группы в центральных Кызылкумах.// ИМКУ. Вып. 23. Ташкент, 1990.
- Борнс А. Путешествие в Бухару. - М., 1848
- Шишкин В.А. Варахша. - М., 1963.
- Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II. - М.- Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1950.
- Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. - М., 1970.